

## АДИБА РОМАНЛАРИДА АЁЛЛАР ОБРАЗИ ТАЛҚИННИ

(Зулфия Қуролбай қизи асарлари мисолида)

Nigora Ashurova Xayitovna,

TDO'TAU tadqiqotchisi

E-mail: manaviyatfarmi@edu.uz

Инсоният адабий тафаккури ҳеч қачон муҳаббат ҳақидаги соғ түшүнчани жинсларнинг тавсифловчи номларига қаратмаган. Балки, муҳаббатни поклик ва покланишнинг ўзига хос фазилатлари бўлган Анахитага ўхшатиш бизнинг узоқ аждодларимиз “севги” ва “аёл” түшунчаларини ўйлаб топганлигининг ифодасидир. Кўпда аёллар эрки муаммосининг ўзига хос хусусиятлари ҳар доим сиёсатнинг бир томонини белгилайдиган оиласвий муносабатлар кўриб чиқлади. Бу савол йигирманчи йиллар адабиётида анча тўлиқ ва чукур акс этган.

Аёллар тақдирни ўзбек адабиётининг умумий мавзусига айланди. Шундай қилиб, кейинги йилларда бошланган ўзбек ёзувчиларининг аёл ҳуқуқлари масаласидаги муҳолифати ёзувчиларнинг бадиий онгига тобора кўпроқ илдиз отган.

Ўзбек адабиётшунослигида аёллар образига бағишлиланган дастлабки тадқиқотни Мақсад Шайхзода “Навоий ижодида аёл образи”[1] номли мақоласи билан бошлаб берди. У Ширин, Мехинбону, Лайли, Дилором, Равшанак образларида жисмоний, ижтимоий, ақлий, маданий, жанговарлик хислатлари уйғунлашганлигини таъкидлайди. Ш.Абдуллаева эса “Хамса”даги аёллар образини алоҳида тадқиқот сифатида белгилаб номзодлик ишида ўрганди[2]. Олима асосий эътиборни жараёнда давр ғояларидан келиб чиқиб, Алишер Навоий ўзи бино қилган образлар орқали феодал тузум шароитида аёллар ҳақ-ҳуқуқларининг паймол қилинишига қарши курашган каби қарашларни илгари сурган. Алишер Навоий достонларидағи аёлларнинг илмли, хилмли, оқила ва малика даражасигача кўтариб ифодаланишига шу жиҳатдан эътибор қаратилади.

Ўзбек маърифатпарварлари ўтмишда аёлларга қилинган зулм, уларнинг асир сифатидаги ахволи, маънавий рухиятининг босиқлиги ва жамиятдаги мавқеининг юксалиши масаласини чукур кўриб чиқсан. Бу давр адабиётида аёлларнинг жамиятдаги ўрни билан боғлиқ турли масалаларга катта эътибор қаратилиб, унда парда (бурқа)ларни олиб ташлаш, ишда, ўқишида аёллар ва эркакларнинг тенглиги ва бошқалар ёритилган.

Йигирманчи йиллар адабиётида шоир ва ёзувчиларининг аёллар эркинлигига бағишлиланган асарларининг асосий мазмуни шаклланди. Ушбу йиллар адабиёти нафақат аёлларнинг эркинлигига эришиш йўллари масаласига, балки эркин аёл образини яратишга ҳам эътибор қаратди. Бу давр шоир ва ёзувчиларининг асарларида бундай мерос намуналарини жуда кўп учратиш мумкин.Мустақиллик даври ўзбек

адабиёти жанрлараро шаклланган тасаввурларнинг ўзгариши, яратилаётган асарларнинг назарий қолипларга тушмаслиги билан характерланади. Зоро, ижод эркинлиги деган тушунча фақат қандай мавзуни қаламга олишга эмас, балки қандай ёзишга, ифодалашга ҳам тегишилидир.

Мустақиллик даври романлари бадииятида қўйидаги ўзига хос белгилар кўзга ташланади: а) реализм ўзининг янги имкониятларини акс этаётгани; б) жанрлар аро мутацияси ва гибридлашув ҳодисаси содир бўлгани; в) метафорик адабий тафаккурнинг кенгайиши; г) поэтик метаморфозаларга эътибор ортгани; д) ўкувчи тасаввур дунёси муаллиф нигоҳи билан уйғуналашаётгани; е) услуб самимияти ўкувчини ўзига эргаштириб, миллий турмуш сахналари тасвири унинг ички оламида пўртаналар ҳосил қилаётгани; ё) сюжет воқеалари ва вазият-холатлар тасвири мозаика бўлаклари сингари берилиб, рамзлар теварагида жисплашиб ривож топаётгани; ж) поэтик ифода инсон хаёлотини янги дунёларга етаклаши; з) гуманистик пафос теранлашаётгани[3].

Бевосита замонавий ўзбек адабиётида аёллар эркинлиги масаласи маълум бир мавсумий характерга эга бўлганлиги сабабли, шоир ва ёзувчилар бу борада муҳим бадиий юксакликка эриша олмаган деб ўйлаймиз. Бу мавзуда адабий меросда олиб борилган тарғибот мақсадида ёзилган асарларни бадиийлик жиҳатдан маҳрум этди. Бошқача айтганда, бу давр адабиёти, хусусан, насрда аёл адibalар Зулфия Қуролбой қизи, Рисолат Ҳайдарова, Жамила Эргашева кабиларнинг асарлар бундан мустасно. Унгача кўплаб ижодкорлар ижтимоий нуқтаи назардан аёллар эркинлигининг моҳиятини очиб бера олмади. Чунки аёл қалб кечинмаларини тушуниш учун ё аёл бўлиши керак, ё аёлга қалбан яқин бўлиш керак.

Адibalар асарлари композициясини иложи борича мукаммал шакллантиришга ҳаракат қиласи. А.Фитрат ўзининг «Адабиёт қоидалари» асарида композицияни «тартиб» деб келтиради. «Мундарижа яхши тартиб этилган сайин асарнинг қиммати ортадир, ёзғувчини муваффақ бўлишифа яқинлаштирадир. Тартиб мундарижа узра юргизиладир. Шунинг учун мундарижа етарли даражада йиғилиб толланғандан кейингина тартибга кириш керак. Тартиб ёлғуз асар ёзиш эмас сўз сўйлашда ҳам муҳимдир»[4]. А.Фитрат асарнинг мавзу ва гоясини муаллиф чуқур англаши ҳамда бўлимларни тартиб маҳорати орқали структурасини кўзда тутибгина қолмай, образларнинг нутқини ҳам маълум даражада тартибга солиш, ҳар бир ёзилган сўз ўзида маъно ташиш функциясини бажариши лозим эканлигини уқтиради. Ёзувчи Зулфия Қуролбой қизининг “Армон асираси” романи ана шундай ижодий тажрибанинг ҳосиласи ўлароқ дунёга келган асардир. Унда романик тафаккур яққол сезилмай, ўрта қатлам кишиларининг оддийдан ҳам жўн ташвишлари, миллат тарихий тараққиётига дахлдор улкан ижтимоий воқеалар, сиёсий эврилишлар эмас, балки ўз мавжудлигини таъминлашга ҳам қурби етмайдиган ночор, кунини кўришга зўр берib уринаётган,

аммо шуни ҳам уddyалай олмаётган кишиларнинг аянчли тақдири ва қиёфаси композицион жиҳатдан мукаммаллик касб этади. Адабиётшунос М.Қўшжонов композиция тушунчасини бадиий асар мантиғи билан боғлаб ўрганади. Бунда асар композициясининг мукаммал кўриниши, ижодкорнинг дикқат маркази мухим роль ўйнашини англатади. “Бизнингча, композиция бадиий асарда ижодкор дикқат марказининг, унинг олдида турган бадиий вазифанинг аниқлиги, шунга нисбатан асардаги катта ва кичик қисмлар ҳамда образларнинг жой-жойига қўйилиши ва ижодкор томонидан ўша марказ ва бадиий вазифага нисбатан тасвир меъёри ва мувофиқлигига риоя қилишдан иборатdir, деб караш керак”[5]. Олим ижодкорнинг эътибори бадиий жиҳатдан юксак бўлса, асар қисмлари бутунлигicha адабий мақсадини очишга бўйсундирилсагина асар композициясидаги тасвирда меъёр ва мувофиқлик тушунчаси мукаммал ишланади, дея фикрини ифодалайди.

Композициянинг яна мухим муаммоларидан бири композиция унсурларининг мувофиқлигидир. Бироқ мувофиқлик ғоят нисбий тушунча саналади. Мавхум ва нисбий мувофиқлик хусусида гапириш мумкин эмас. Бирор предметнинг нимагадир, кимгадир мувофиқлиги хусусидагина гап бўлиши мумкин. Бадиий асар ҳакида сўз борар экан, айрим детальлар, эпизодлар ва картиналарнинг тип, характер ва образларга мавжуд асардаги ёзувчининг бадиий ниятига мувофиқлиги ҳақидагина фикр юритиш мумкин.

Зулфия Қуролбой қизининг “Машаққатли ҳаёт сўқмоқлари” романida ОНА: Ҳамробуви каби қаҳрамон тутумлари орқали оиланинг нақадар юксак даражасини, унга доимо садоқат билан муносабатда бўлишини қўришимиз мумкин. Ҳамробуви образи орқали оиласа фарзанд тарбияси, хусусан қизларни оилага тайёрлаш масалалари маҳорат билан ёритилган. Шунингдек, оила маънавиятини юксалтиришда аёлларнинг мавқеи ҳақида гап боради. Асарда бош қаҳрамон сифатида гавдаланган Назира ҳам бошқа аёллар сингари ўз оиласи, севимли ёри, баҳтдан масрур яшаш умиди билан Жалилга турмушга чиққан эди. Ҳамробувининг қанчалик оёқ тириб олишларига қарамасдан “ушлаган жойини узиб оладиган” Ражаб момо сингари аёллар Ҳамробувининг нозик жойи турмуш ўртоғидан қолган боғини гуллатиб, яшнатиш нияти борлиги билан Назирани ўзига келин қилишга мұяссар бўлди. Бу ваъдалар аслида сароб эканлигини Ҳамробуви секин-асталик билан англаш етади.

Адиба “Машаққатли ҳаёт сўқмоқлари”да Назира образи мисолида ёш келинларнинг кўнгил қаъридаги нозик қарашлари, туйғуларини, ўзга оилага сингиш, кўнизиш, мослашиш масалаларини очиб беради. Ҳар қандай ёш келин ўз оиласи бағридан бошқа оилага борганида ўша оиланинг паст-баландига кўнишиб яшashi ва уларга сингиб кетиши ҳам аҳамиятли. Асарда мана шу ҳолатлар бадиий тасвир воситалари орқали ёритилган. Дарҳақиқат асарда Назира шу оилани ўз оиласидек, қайнонаси ва турмуш ўртоғининг кўнглидан жой топиш илинжида тинмай меҳнат қилади, унга эришиш

йўлида ўзини азобласада қатъиятли бўлади. Ҳа ундаги бу каби жасорат, оилапарварлик туйғуларини адиба асар воқеалари ривожида кўрсатиб беради. Халқимиз орасида шундай нақл юради: “Хотиннинг ёмони – эрнинг заволи, Хотиннинг яхшиси – эрнинг камоли” ёки “Яхши хотин арпа унни кабоб қилар, Ёмон хотин буғдой унни хароб қилар”. Назира худди шундай йўқдан бор қилгувчи аёл эди. Ҳа Назира мана шундай тежамкор, исрофгарчиликка йўл қўймайдиган, ҳар бир неъматни асраб-авайлашга одатланган аёл эди. Асар воқеалари ривожи ўқувчини янада ўзига ром қилиб қўяди. Ўқувчи ўзини қаҳрамон оламида, у билан ёнма-ён, дарду хасратларига шерик, баҳтдан масур онларида баҳтиёрлик туйғуларига шерик бўлади. Асар сюжетидан кўришимиз мумкинки, Ҳамробуви қизлар тарбиясига жуда қаттиқ турганлиги, бўш вақтларининг тақсимотига эътиборли бўлганлиги, уй-юмушларига, сарамжон-саришталикка, озодаликка қизларини ўргатганлигини кўриш мумкин. Бир оиласда тарбия кўрган, камолга етган опа-сингиллар характер жихатидан эса ҳеч бир-бирларига ўхшамас эди. Назирадаги меҳнаткашлик, тиришқоқлик, қатъиятлилик, жасоратлилик сингари фазилатлари синглиси Орзугулда йўқ эди. Унда худбинлик, манманлик фазилати баланд кўринарди. Асар воқеалари ривожида Ражаб момо характерига кенг урғу қаратилиб, унинг табиати орқали кўплаб миллат аёлларидаги иллатлар ёритилиб борилади. Асарда оиласа ўзгача меҳр-садоқат билан ёндашган инсон баҳтдан тўйиб юришини ўқувчига сингдириш йўлидан борилади. Шунингдек, оиласи муқаддас деб билмаган кимсаларнинг охир оқибат жаҳолатга юз тутишини Жалил ва Жўрабек сингари образлар орқали кўрсатиб берилади. Асарда оила устунларидаги “заиф” томонларини очиб бериш баробарида, аёллар зиммасида оила, рўзгор юки, фарзандлар тарбияси ва шунга ўхшаш яна бир қатор вазифаларнинг юклатилишини таъриф этади. Шу ўринда Турсуной Содикова таъриф этганларидек: “... У эркакдан бир қадам илгарилаб кетди. Ҳали кетмонга, ҳали игнага, ҳали бозор халтасига осилиб, рўзгор юритиш дардида қолди... Биз болаларимизга отасини устивор кўрсатиб, унга эргаштириб тарбия бериш билан рўзгорни бутун ушлаб келганмиз. Ўзбекнинг эркаги ориятли, бир сўзли, ғайратли, қўли гул, рўзгорпарвар бўлгувчи эди, аслига қайтиш шарт!”[6].

Адиба оила маънавиятининг устунларини асраш, авайлаш баробарида уларга елкадош бўлишга чақиради. Оиласа, аёлга хиёнат қилган эр кишининг охир борадиган макони жаҳолат эканлигини кўрсатиб беради.

“Армон асираси”да ўзлигини сақлаш, ўз қиёфасига эга бўлиш имконига эга бўлолмаган одам, уни ҳамиша турланиб-тусланишга мажбур этадиган вазият ва шу ҳолатда тирикчилик ўтказишга маҳкум шахсларнинг мавжудлигидаги фожиавийлик ва уларнинг руҳиятидаги нозик жиҳатлар улкан ҳайриҳоҳлик билан тасвирланган. Айни вақтда асарда ҳар қандай мураккаб шароит ҳам чинакам одамнинг шахсиятидаги асл сифатларни ўзгартира олмаслиги акс этган Ҳозирги кўпчилик романларда

олдингидаги типик шароит ва умумлашма образларни эмас, исталган бир ҳолатдаги дуч келган майда ва киёфасиз инсонларни ҳам тасвир фокусига олаверади. Адиблар турғун характерлардан кўра, ўзгарувчан руҳий ҳолатларни ифодалашга кўпроқ интилишади. Миллий романчиликда ожиз, кучсиз, азобларга маҳкум. Индивидларни тасвирлаш тамойили кучайиб бораётганлиги уларнинг китобийликдан кутулиб, ҳаётга яқинлашишига сабаб бўлмокда. Чунки кеча бадиий эътибордан четда бўлган “кичкина одам”нинг кўнгил олами аслида бепоён экани англаб етилди. Инсоний тақдирларнинг эврилиши тарихи кўрсатмоқдаки, “кatta” билан “кичкина” одам ўртасидаги оралиқ, кўпинча, бир қарич ҳам чиқмайди. “Армон асираси” асарида фавқулодда ҳолатга тушган одамларнинг таранг руҳий ҳолатлари, шу аснода уларнинг табиатидаги рўй берган ҳиссий-маънавий ўзгаришлар маҳорат билан кўрсатилган. Жумладан, асарда йуқчилик туфайли ўзбек аёлининг ўзидаги эзгу сифатлардан айрилиб бориш жараёни таъсири акс эттирилган. Маънавият жуда юксак тушунча, лекин у ўзгармас ва турғун ҳодиса эмас. Одамдаги маънавий сифатлар ҳаётнинг ўзида, унинг таъсирида шаклланади, ўзгаради, юксалади. Романда тўғри йўлга қўйилмаган ҳаёт одамнинг моддий ҳолатидагина эмас, балки маънавий-ахлоқий сифатларига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги кўрсатилган.

Зулфия Куролбой қизи образлар моҳиятининг ёрқин акс эттирадиган қирраларини яхши билади. Шунинг учун ҳам у асар қаҳрамони Насибанинг руҳиятидаги эврилишни биргина овоз детали орқали тўлиқ кўрсата олган. Романда соддагина Насиба ўзини текширадиган, хатти-ҳаракатларини тафтиш қиласиган уй кишиси сифатида тасвирланади. Насиба тимсолида адоқсиз машаққат, сўнгсиз азоблар ҳам эзгуликка умид ва одамларга ишонч туйғусидан айиролмаган ўзбек аёли тасвирланади. Оиласи тинчлиги, болалари соғлиги, эрининг хотиржамлигинигина ўйлайдиган бу аёл дунё муаммоларини ҳал этишни даъво қилмайди, шоҳона ҳаётни орзу қилмайди, одам қатори яшашнигина истайди, холос. У қаҳрамон ҳам, донишманд ҳам, буюк ҳам эмас. Лекин у одамнинг тириклиги фақат азоблардан иборат бўлиши мумкин эмаслигини билади, одамларга ишонади ва эзгу кунлар келишига чиндан умид қилади. Ана шу умиди уни улуғлайди. Зоро, шайтон ва унинг йўлидан кетаётганларгина умиддан маҳрумдирлар.

Асар бошида Насибанинг бир кунлик ҳаёти билан танишамиз. У ҳар қандай ўзбек аёли сифатида эрига садоқатли, меҳрли аёл сифатида гавдаланади. Бироқ асарда Насибанинг ўй-хаёллари ва кечинмалари, воқеаларга бўлган руҳий ҳолатлари тўлиқ ёритилмайди. Воқеаларга бўлган муносабатини эътиборга оладиган бўлсак, Насиба характери ҳам тўлиқ очиб берилмайди. Ёзувчининг маҳорати шундаки, хулоса чиқариш ва унинг руҳий ҳолатини англаб етишни китобхоннинг ўзига қолдиради. Биз асарни ўқир эканмиз, Насиба яқинда уч хонали уйни икки хонали уйга алмаштириб ўз қарзларини тўлаган, бироқ келажагини яратиш учун қўлида қолган пули етарли

эмаслиги аёnlasha боради. Биз бу ҳолатларни Лола исмли аёlnинг Насибанинг уйига келиши ва ундан қарзини талаб қилиши орқали билиб оламиз. Насиба асар бошида ўз қарзларини тўлашга астойдил киришади. Ҳатто рўзғорини тебратиш учун эски кийимлар бозорига чиқиб савдо килишга мажбур бўлади. Турмуш ўрготи бор бўлсада, бироқ Насиба унга суюна олмайди. Натижада унинг руҳиятида ўзгаришлар содир бўла бошлайди. Қачонлардир эрини бутун жаҳонда ягона суюнчиқ тоғ сифатида кўрган бўлса, аста-секинлик билан Донишга бўлган муносабати ўзгара бошлайди. Унинг ҳар доим ичиб келиши, рўзғор тебратиш учун қарзга ботиши, Насиба берган пулни ўғирлатдим деб келиши Насибани буткул ўзгартиради. У бозорга чиқа бошлагандан сўнг эса Донишга умуман ишонмай куяди. Унинг кўлига пул беришни истамай колади. Кейинчалик бу ишидан пушаймон ейди ва килган ишининг жазоси сифатида Талгат исмли бегона эркакни боқишига ўзини мажбур деб ҳисоблайди.

Ёзувчи Насибанинг хатти-ҳаракатлари орқали унинг руҳий ҳолатини бера бошлайди. “Пулни... йўқотиб... кўйдингизми?... Қораҷиқлари кенгайиб кетган Насиба даҳшат ичиди пичирлади.

- Олдириб... кўйдим... - ерга қараганча минғирлади Дониш, хаёлида эса: “Чинданам куппа-кундузи тунаб кетди-ку, Жамшид!..” деган ўйни ўтказди.

- Шўрим қурсин...

Юзи қордек оқарган аёл деворга беҳол суюнди. Бир дақиқадан кейин пешонасида резареза тер томчилари пайдо бўлиб, лаблари атрофи кўкариб тез-тез, қисқа-қиска нафас ола бошлади. Сенга нима бўлди? Билмадим... Бўшашиб кетяпман,- деди Насиба зўрга. Бирпас ётиб дам олсанг, ўтиб кетар. Юр-чи Дониш хотинини суяб ётоқхонасига олиб ўтди. У Насибанинг аҳволини кўриб қўрқиб кетганди: "Бу менинг ёлғон сўзларимга ўрганиб қолган. Рост гапни кўтара олмади, бечора...

Насиба бир соатдан мўлроқ инқиллаб, оҳ уриб етди. Кейин аста-секин тинчлана бошлади. Яна бирор соат ётиб аёл буткул тинчиб қолди. У шифтга тикилганича тек қотиб ётар, на вужуди, на вужудидаги бирор тук “қилт” этарди Дониш бу аҳволдан баттар қўрқди.

- Насиба, тузук бўлиб қолдингми ё дўхтир чақирайми? - деб сўради у бир неча марта. Насиба эса миқ этмасди. Аммо қўрқинчли туш кўриб уйғонган одамдай кўзлари олайиб Донишга қараб қўярди” Ушбу парчадан кўриниб турибдик, адiba охирги умидидан ажralиб қолган инсон аёл руҳиятини жуда тиник ва ишонарли тасвирлай олган. Насиба охирги қолган пулларини Донишга берган, бироқ Дониш ҳар сафаргидек, Насибани алдайди. Насибага эса бу охирги томчи бўлиб қўйилади ва бу ҳолатни бошқа кўтара олмайди. Шу сабаб унинг аҳволи ўзгаради. Ранги оқариб тез-тез нафас ола бошлайди. Ўзини ёмон ҳис этади. Шу аҳволда ҳам Донишга ҳар қандай сўз айтмайди. Тонгга якин аҳволи бироз яхшиланади ва аёл ўз ишлари билан банд бўлади. Адiba аёlnинг аҳволини кўрсатиш учун ҳам мимикадан унумли фойдаланади. Ўқувчи эса ўз

навбатида Насибанинг аҳволини қўз олдида жонлантира олади. Атоқли мунаққид Умарали Норматовнинг куйидаги мулоҳазалари фикримизни яна бир бор исботлайди: "...Армон асираси Насибанинг қалб саҳовати, эзгулик йўлидаги фидойилиги ва бу ноёб хислатларининг ҳаётбахш ёғдулари асарнинг асосий пафосини белгилайди. Шуниси ҳам борки, романда бу умидбахш руҳ ҳеч қанақа дабдабасиз, осойишта, табиий бир йўсинда намоён бўлади.

Зулфия Куролбой қизи ижодкор ўз давридан ташқарида, унинг таъсирига берилмай туролмаслигини Хулкар мисолида ёрқин ифода этади. Бунда у Хулкар Армон табиатидаги ўзига хосликларни кўрсатиш йўлидан боради ва уddeлайди ҳам. Ҳаётнинг кундалик икир-чикирлари шунчалар қудратлики, имони бутун бўлмаган одам ўзи истамагани ва билмагани тарзда унинг оқимиға тушиб қолиши ҳеч гап эмаслиги Хулкарнинг ижоди мисолида кўрсатилади. Хулкар асарнинг бошидан охиригача ўз ўрнига эга бўлган образлардан бири.

Қисмат ва инсон муносабати ҳақидаги баҳс романнинг бошидан-охиригача давом этади. Асадаги хар бир қаҳрамоннинг тақдири ўша муносабатларнинг бирор йўсинда намоён бўлишидир. Роман қисматни кутиб ётишини эмас, балки уни муносиброқ қилиш учун тинимсиз интилиш, қийинчиликлар оғушида тозариш кераклигига ўкувчини ишонтира боради. "Армон асираси"да миллий романчиликка янгилик бўлиб кўшиладиган жиҳатлар анчагина. Зухра, Талгат, Насиба, Хулкар ва айниқса, Дониш каби персонажларни ўзбек адабиётидаги янги ҳодиса дейиш мумкин. Зулфия Куролбой қизи шахсни тасвирлашни мақсад қилиб қуиган романида инсон алоҳида бир қадрият эмас, балки шунчаки, ишлаб чиқарувчи ёки истеъмолчи даражасига тушган шароитда унинг қизиқиши-у интилишлари ҳам майдалашиб кетиши таъсирили акс эттирилган. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларига келиб адабиётимизда, насримизда ҳам ижобий ўзгаришлар кўзга ташлангани рост. Насрнинг барча жанрларида, хусусан, ҳикоячилик, қиссачилик ва романчиликда ҳам сифат жиҳатидан янгиланишларга сабаб бўлган уринишлар рўй бера бошлади. Ўтган чорак асрдан зиёд вақт мобайнida юзлаб романлар яратилди[7]. Уларнинг ўзбек романчилигини тараққиётидаги ҳиссаси катта. Бундан ташқари, уларнинг бадиий бақувват намуналарида адабий эстетик тафаккур янгиланишига, инсон руҳиятини, маънавияти ва кечинмаларини янгича поэтик идрок этишга ҳаракат кучайганлигини сезиш мумкин.

Зурфия Куролбой қизининг "Машаққатли ҳаёт сўқмоқлари", "Армон асираси", "Машаққатлар гирдоби" каби романлари, ҳамда унинг ҳикоя ва қиссаларида аёл образи етакчи қаҳрамон сифати тасвирга тортилган. Айни пайтда улар ўз кечмиши орқали таъбир жоиз бўлса, қисмат даражасига кўтарилиган қаҳрамонлар ҳисобланади. Шу ўринда таъкидлаш зарурки, аёл образи ва аёл қисмати деган тушунча бир хил тушунча эмас. Жараёнда адиллар томонидан ишланаётган асарларда айrim истисноларни ҳисобга олмагандан аёллар кўпроқ жуфтликнинг бири ёки ёрдамчи образлар сифатида

гавдаланади. Юқорида тилга олинган адиба асарида эса аёл қисматини тасвирлаш етакчи планга кўтарилади. Алоҳида таъкидлаш зарурки, адиба томонидан яратилган романларда аёл қисмати ҳар доим ҳам мукаммал характер даражасига кўтарила олмаганилиги, баъзан ҳаётдаги аёлларимизнинг натуралистик қиёфадошларига айланиб қолаётганини, том маънода эстетик ҳодисага айлантиришда истеъодлари панд бераётгани ҳам сезилади. Шу ўринда бир савол туғилиши мумкин. Нима учун адибаларимиз томонидан яратилаётган романларда аёл образи қисмат даражасидагина тасвирлашга эътибор қаратилган. Уларнинг турмуш чиғириғи орасида ўралашиб колган сиймоларини ифодалаш бош мақсадга айланмоқда. Албатта, бу ҳолнинг ўзига хос ижтимоий-психологик сабаблари ҳам талайгина.

### **Адабиётлар**

1. Шайхзода М. Навоий ижодида аёл образи. – Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1972. – Б. 58–68.
2. Ўразбаева М. Ҳозирги ўзбек романчилигида аёл образи ва унинг қиёсий таҳлили. PhD дисс. – Тошкент. 2021. – Б. 17. Абдуллаева Ш. Алишер Навоийнинг хотин-қизлар ҳақидаги гуманистик фикрларига доир (Хамса асарида). Филол. фан. номз...дисс. – Тошкент, 1954. – 119 б.
3. Ёқубов И. Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси. – Тошкент: 2018. – Б. 256.
4. Фитрат. Танланган асарлар. 4-жилд. Тошкент: Маънавият, 2006.-Б.17.
5. Қўшжонов М. Ҳаёт ва маҳорат. Тошкент, 1962. –Б.16.
6. Содикова Т. Аёлга қасида. Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2008. – Б. 326.
7. Қаранг: Яқубов И. Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси. Филол. фан.д-ри... дисс. – Тошкент. 2018. – Б. 281–293.